



Nigora HAKIMOVA^a , **Soliha YODGOROVA^b**

^a International Islamic Academy of Uzbekistan, PhD
A. Qadiri Street 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan
E-mail: nigora_24@yahoo.com

^b Master's Student,
International Islamic Academy of Uzbekistan
A. Qadiri Street 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan
E-mail: solihayodgorova@gmail.com

ХАТИБ БАҒДОДИЙ АСАРЛАРИНИНГ ИЛМИЙ ТАСНИФИ

Аннотация. Мақолада бағдодлик муҳаддис ва муаррих Хатиб Бағдодий ҳаёти ва илмий фаолияти у ёзган асарлар асосида таҳлил қилинади. Муҳаддиснинг ҳадис санади, ҳадис усули, ҳадис ровийлари, ҳадис ёзиб олиш учун қўйилган шартлар, илм сафари, усул ал-фиқҳ, одоб-ахлоқ ва яна бир қанча мавзуларда ёзилган асарлари мавжуд экани аниқланган. Олимнинг ҳадис илми соҳасига қўшган ҳиссаси, у тасниф қилган асарлар классик ва замонавий манбалар асосида атрофлича ўрганилган ҳамда илмий асосда хулоса қилинган. Шунингдек, олимнинг «ал-Фасл ли васл ал-мудраж фин-нақл» асари мудраж ҳадислар бўйича ёзилган биринчи асар бўлса, «ал-Жоме ли одоб ас-соме» асари эса ҳадис ўрганиш ва ўргатишда шогирд ва уларнинг устозлари амал қилиши ва қўллаши лозим бўлган қоида ва усуллар батафсил асослаб берилган энг қимматли илк манба экани асослаб берилади. Ушбу асарлар ҳадисишунослик соҳасидаги биринчи асарлар бўлгани ва бугунги кунгача етиб келганидан Хатиб Бағдодийдан кейинги даврдаги муҳаддислар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилган. Бундан ташқари, унинг «ал-Кифоя», «Тариху Бағдод», «ал-Фақиҳ ва ал-мутафакқиҳ», номли асарлари энг машҳур асарлари ҳисобланади. Мазкур мақолада Хатиб Бағдодийнинг ҳадис илми бўйича илмий асосланган қараишлари очиби берилган ҳамда ҳадисишунослик соҳасида ўзига хос янги йўналишни бошлаб бергани асосланган.

Калим сўзлар: Хатиб, муҳаддис, муаррих, ҳадис, фиқҳ, ҳофиз, Бағдод, ҳадис усули, ровий, тарих, қўлёзма, Зоҳирия кутубхонаси.

THE SCHOLARLY CLASSIFICATION OF AL-KHATIB AL-BAGHDADI'S WORKS

Abstract. This article examines the life and scholarly contributions of the Baghdadi hadith scholar and historian, al-Khatib al-Baghdadi, based on his authored works. It has been established that the scholar wrote extensively on topics such as hadith transmission chains, hadith methodology, hadith narrators, conditions for recording hadiths, travel for knowledge, principles of Islamic jurisprudence (usul al-fiqh), ethics, and several other subjects. His contributions to the field of hadith studies are thoroughly analyzed using classical and contemporary sources, and the findings are presented with scholarly grounding. Moreover, the article establishes that his work *al-Faṣl li al-waṣl al-mudraj fi al-naql* is the first known treatise written on *mudraj* (interpolated) hadiths, while his book *al-Jāmi' li Adab al-Sāmi'* is recognized as one of the earliest and most valuable sources detailing the rules and methods students and their teachers must follow when learning and teaching hadiths. These works are among the foundational texts in hadith sciences and have remained essential references for later generations of hadith scholars. In addition, his books *al-Kifāyah*, *Tārīkh Baghdād*, and *al-Faqīh wa al-Mutaḥḥiq* are considered among his most renowned contributions. The article highlights al-Khatib al-Baghdadi's scientifically substantiated perspectives on hadith sciences and concludes that he laid the foundation for a distinct new approach in this field.

Keywords: al-Khatib, hadith scholar, historian, hadith, fiqh, hafiz, Baghdad, hadith methodology, transmitter, history, manuscript, Zahiriya Library.

КИРИШ

Муҳаддис Хатиб Бағдодий 392/1002 йилда Бағдоднинг Ханикия қишлоғида таваллуд топган. Болалигидан фикх, қироат, ҳадис каби ислом илмларини чуқур ўрганган. Хатибнинг отаси болалигиданоқ уни илмга йўналтириб, келажакда олим бўлиб етишишида ҳиссаси қатта бўлган. Хатиб Бағдодий дастлаб ўз юртидаги устозлардан таълим олиб, сўнгра дунёнинг бошқа илм марказларига сафар қилган. У дастлаб Бағдоддаги уламолар, жумладан Ҳилол ибн Абдуллоҳ Тибий, Мансур Ҳаббол, Каттонийдан сабоқ олиб, сўнг Шом, Дамашк, Нишопур, Наҳравон каби шаҳарлардаги олимлардан ҳам дарс олган. «Ҳофиз», «Ҳофиз ал-кабир», «Хатиб» каби бир қанча таҳаллуслар соҳиби бўлган муҳаддис 463/107-йили вафот этиб, васиятига кўра, Бишр Ҳофий (ваф. 227/841) қабри ёнига дафн қилинган (Сафадий, 2000:131).

Муҳаддислар ва олимлар томонидан «Ўз замонасининг Дорукутнийси» дея таърифланган Хатиб Бағдодий чиройли хат ҳамда қироат соҳиби бўлган.

Хатиб Бағдодий кўплаб асарлар ёзгани туфайли унга «Соҳиб ат-тасониф» ва «Соҳиб ат-таолиф» унвонлари берилган (Субкий, 1918:29).

Хатиб Бағдодий асарларининг сони ҳақида манбаларда турлича фикрлар мавжуд. Самъоний Хатиб Бағдодийнинг асарлари сонини аниқ айтмай, 100тага яқин дейиш билан қифояланган (Самъоний, 1966:151). Субкийнинг (ваф.771/1370) «Табақаот аш-шофеъийя ал-кубро» китобида уларнинг сони 60 тадан кўп дейилган бўлса, Ибн Муҳаммад Моликийнинг «Фехрист»ида муҳаддиснинг ҳижрий 453 йилгача ёзган асарлари сони 56та деб кўрсатилган (Юсуф Уш, 1945:151).

Тадқиқотчи Юсуф Ушнинг фикрига кўра Бағдодий асарларининг умумий сони 81та бўлиб, ўзининг «Хатиб Бағдодий» номли асарида уларни ҳаммасини бирма-бир санаб ўтган ва улар умумий 436 жуздан ташкил топганини қайд қилган (Юсуф Уш, 1945:120-134). Қолаверса, у ўзи келтирган асарларнинг бугунги кунгача етиб келган ёки келмагани, уларнинг нусхалари қаерда мавжуд экани, қайси асарлари нашр қилингани ва қайсилари нашр қилинмагани ҳақида ҳам маълумотлар келтирган.

Ақром Умарийнинг келтиришича, Хатиб Бағдодий 86та китобнинг муаллифи саналади (Умарий, 1985:55). Унга кўра, Хатиб асарлари ҳадис илми, тарих, фикх, ахлоқ ва ақида илмларига бағишланган. Асарларнинг 50дан ортиғи ҳадис

илмига оид экани унинг бу илм ривожига қўшган улкан ҳиссасига далолат қилади.

Хатиб Бағдодий асарлари ҳақидаги маълумотлар асосан Ибн Муҳаммад Моликийнинг фехристида мавжуд бўлиб, унга кўра Дамашқдаги «Дор ал-кутуб аз-Зоҳирия»(кейинги ўринларда Зоҳирия деб ёзилади) кутубхонасида кўлёзма ҳолида сақланади. Шамсуддин Заҳабийнинг (ваф. 748/1348) «Тарих ал-ислом» асарида ҳамда Ибн Қози Шухбанинг (ваф. 851/1448) «Тарих» асарида ҳам унинг асарлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Ибн Хайр ибн Халифа Ишбиликийнинг (ваф. 575/1179) фехристи ҳам шулар жумласидандир. Бундан ташқари, ровийлар ҳаётига оид бошқа манбаларда ҳам Хатиб Бағдодийнинг таржимаи ҳоли билан бирга унинг асарлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Хатиб Бағдодий ҳаёти ва илмий меросига оид замонавий тадқиқотларга назар ташланганидан бўлса, унинг асарлари борасида олиб борилган кенг қамровли тадқиқотлардан бири Юсуф Ушнинг «ал-Хатиб ал-Бағдодий муарриху Бағдод ва муҳаддисуҳо» (Юсуф Уш, 1945) номли асари ҳисобланади. Бундан ташқари, Маҳмуд Таҳхоннинг (ваф. 1444/2022) «Ҳофиз Хатиб Бағдодий ва асаруҳу фи улум ал-ҳадис» (Таҳхон, 1981) номли асарида ҳам Хатиб Бағдодий ёзган китоблари ҳақида маълумотлар бор. Маҳмуд Таҳхоннинг таърифи кенгрок экани, маълумотларни батафсил беришга ҳаракат қилгани яққол сезилади. Юсуф Уш Хатиб Бағдодийнинг нафақат «Тариху Бағдод» асари, балки кўплаб китоблари ҳақида қисқача маълумотлар келтирган. У Хатиб Бағдодийнинг асарларини таништирар экан, фақат асарларнинг номлари ва уларнинг қаерда мавжуд эканини айтиб ўтган. Маҳмуд Таҳхон эса, бунга қўшимча равишда унинг асарлари ҳақидаги маълумотларни кенг қамровли тафсилотлар билан бойитган.

Туркиялик тадқиқотчи Вели Аба муҳаддиснинг асарларини илм соҳаларига кўра бир нечта гуруҳга бўлиб ўрганади (Vahdettin Abo, 2015:40-42). У ҳадис матни ва санадига оид 23та асарни алоҳида таснифлайди. Мазкур асарларнинг баъзилари қуйида келтирилади. Муҳаддиснинг «ал-Амолий» номи билан машҳур бўлган асари тахминларга кўра, Дамашқ масжидида муаллифнинг ўзи ривоят қилган ҳадисларни ўз ичига олган тўпламдир. Ибн Муҳаммад Моликийга кўра, асарнинг бешинчи қисми Зоҳирия кутубхонасида сақланади (Kandemir, 2019:458).

«Мухтасар ас-сунан мин асли ал-Хатиб ал-Бағдодий» номли асар ҳам Хатиб Бағдодийга тегишли бўлиб, манбаларда «Китаб ас-сунан», деб ҳам юритилади (Умарий, 1985:57). Бу асарнинг қўлёзма нусхаси Дор ал-кутуб ал-мисрия кутубхонасида сақланади.

Хатиб Бағдодийнинг «Муснад Нуайм ибн Ҳаммоз Усфоний» асари Ибн Муҳаммад Моликий берган маълумотга кўра, бир жуздан иборат китоб бўлиб, у Зоҳирия кутубхонасидаги фехристда зикр қилинади. Асар номи билан боғлиқ ихтилофлар Акром Зиё Умарийнинг «Маворид ал-Хатиб ал-Бағдодий» асарида келтириб ўтилади (Умарий, 1985:57). Унга кўра асар номидаги «ал-Усфоний» сўзи аслида «ал-Ғатфоний» бўлиши керак экани қайд қилинган.

«Ал-Фавоиду ал-мунтахаба ас-сиҳоҳ ва-л-ғароиб» асари Хатиб Бағдодийнинг шогирди Абулқосим Али ибн Иброҳим Ҳасанийнинг ривоятлари танланиб, тўпланган ва саҳиҳ ёки саҳиҳ эмаслигига қараб ажратилган асардир. Ибн Асокир томонидан ушбу асар жами 20 жуздан иборат экани айтилади (Асокир, 1996:245). Бу асарнинг саккизинчи, ўн учинчи ва ўн тўртинчи жузлари Зоҳирия кутубхонасида мавжуд. Мазкур кутубхонада ушбу асарнинг рақами номаълум бўлган бошқа жузлари ҳам борлиги қайд этилган. Маҳмуд Таҳҳон асарнинг ўн учинчи жузи 15 саҳифадан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифада 17 сатр борлиги ва ёзуви тиниқ ҳолда эканини таъкидлайди (Таҳҳон, 1981:254).

Хатиб Бағдодий Абулқосим Ҳасанийдан қабул қилган ҳадисларни манбалари билан санадининг охиригача ривоят қилган. Сўнгра, ҳадиснинг саҳиҳ ёки саҳиҳ эмас эканини келтирган. Шунингдек, у келтирган ҳадислар Бухорий ва Муслимнинг қай биридан ривоят қилинганини айтади. Бундан ташқари, ҳадис санадидаги ровийлар ҳақида ҳам маълумот беради. Бу асар Хатиб Бағдодийнинг ровийни жарҳ ва таъдил қилишдаги маҳорати ва шунга мос равишда ҳадисга баҳо беришдаги илмий фаолиятининг теранлигини очиб бериш нуқтаи назаридан муҳим асар ҳисобланади.

Хатиб Бағдодий «ал-Фавоид ал-мунтахаба ас-сиҳоҳ ва-л-ғароиб» асарида замондоши Абулқосим Юсуф ибн Муҳаммад Маҳравоний ривоятларининг беш қисмини ишончли ёки ишончли эмаслиги нуқтаи назаридан баҳолаган. «Маҳраваниёт» номи билан ҳам машҳур бўлган, беш қисмдан иборат бу асарнинг бир нусхаси (2,3,4,5-жузлари) Зоҳирия кутубхонасида, Миллет ва Бурса, Ҳусайн Чалабий кутубхоналарида эса бошқа нусхалари мавжуд (Kandemir, 2019:458). Бундан ташқари, Хатиб Бағдодийнинг ушбу асари

Мадина ислом университетида тадқиқ қилиниб, магистрлик диссертацияси ёзилган (Vahdettin Aba, 2013:58)

«Ал-Қавл фи илм ан-нужум» асарида Хатиб Бағдодий бугунги кунда ҳам баъзи инсонлар шуғулланаётган мунажжимлар башорати, тумор, сеҳр, каби ношаръий ишлар ислом эътиқодига зид эканини очиб берган. Хатиб Бағдодий бу асарида юлдузлар илмининг номларини ва ҳаракатларини ўрганиб, тадқиқот қилишнинг зарари йўқлигини таъкидлаган. Аммо бу илм орқали ғайб маълумотларини билишга ҳаракат қилиш, улардан мунажжимликда, фол очишда фойдаланиш жоиз эмаслигини оят ва ҳадислардан далиллар келтириб тушунтирган.

Хатиб Бағдодий мазкур асарида илгари сурган фикрларини Куръон, суннат ва ўзидан олдинги салафи солиҳларнинг қавлларида олинган далиллар билан қувватлаган. Ушбу далилларни гоҳида санади билан, гоҳида санадсиз келтирган. Мавзуларни боб ва фаслларга ажратмаган. Хатиб Бағдодий ушбу китобни таълиф қилиш сабабини асарнинг мукаддима қисмида очиб берган. Унда ёзилишича, бу асар бир кишининг «Мунажжимлик илми билан шуғулланиш тўғрими?» деган саволига жавоб тарзида таълиф этилган (Бағдодий, 1999:126).

Ибн Муҳаммад Моликий ва Ибн Қози Шухба томонидан бир жуз экани зикр этилган бу асарни Броккельман ўзининг тўпламида ҳам келтирган (Brockelmann, C., 1992). Унда Сулаймония кутубхонасининг Ошир Афанди бўлимида рисоланинг қўлёзма нусхаси бор экани қайд этилган (Erol Kılıç, 1997:52)

Хатиб Бағдодийнинг ҳадис усули ва унга доир мавзуларга оид бир қанча асарлари келтирилган. Улардан «ал-Жоме» деб номланган асари («ал-Жоме ли-одоб ас-соме» ёки тўлиқ тарзда «ал-Жоме ли-одоб ар-ровий ва ахлоқ ас-соме») ўн беш жуздан иборат бўлиб, ҳадис ўрганиш ва ўргатишга оид 1924та ҳадисни санадлари билан ўз ичига олади (İsmail Lütfi Çakan, 2019:101-102). Ҳадис ўрганиш ва ўргатишда шогирд ва уларнинг устозлари амал қилиши ва қўллаши лозим бўлган қоида ва усулларни батафсил кўриб чикувчи асар ҳисобланган, «ал-Жоме» 33 боб ва 223 фаслга бўлинган (Таҳҳон, 1981:432). Таъкидланишича, ушбу асар бу соҳадаги энг биринчи, энг қимматли ва мавзулари батафсил ёритилган манба ҳисобланади.

Хатиб Бағдодий ҳадис илмида Пайғамбар (с.а.в.) ва саҳобаларнинг ахлоқ ва одобларига

риоя қилишни ушбу илмнинг зарурати деб билган. Шунинг учун ҳам у ушбу асарнинг муқаддима қисмидан сўнг ҳадисларни жамлаш ва таснифлаш, сўнгра ровий амал қилиши лозим бўлган қоидаларга тўхталиб ўтган. Хатиб Бағдодий бу асарида бир масалани келтирса, аввал ҳадисларни, сўнг саҳобаларнинг амалларини, кейин тобеинлар қарашларини, кейинги навбатда уламоларнинг бу борадаги фикрларини ва ундан сўнг ўз қарашларини келтирган. Шунингдек, у изоҳлаш зарур деб билган баъзи сўзларни тафсилоти билан очиб берган.

Ибн Қози Шухба ва Ибн Муҳаммад Моликий ўз феҳристида тилга олган ушбу китобнинг нусхалари Зоҳирия кутубхонасида борлиги айтилади. Искандариядаги Баладия кутубхонасида «ал-Жоме» асарининг қўлёзма нусхаси тўлиқ ҳолида сақланиб келинмоқда. Шунингдек, ушбу асарнинг тўртинчи жузи Зоҳирия кутубхонасида ҳамда Мадина ислом университети кутубхонасида мавжудлиги ҳақида ҳам маълумотлар учрайди (Юсуф Уш, 1945:428). «Ал-Жоме» илк маротаба 1981 йилда Кувайтда Муҳаммад Рафет Саид томонидан, кейинроқ 1983 йилда Ар-Риёд шаҳрида Маҳмуд Таҳҳон томонидан замонавий нашр қилинган.

Хатиб Бағдодийнинг тарих ва ровийларнинг таржимаи ҳоли соҳасига оид асарларидан «Тариху Бағдод», ҳадис методологиясига оид асарларидан «ал-Кифоя» машҳур бўлганидек, «ал-Фақиҳ ва мутафакқиҳ» асари ҳам усул ал-фиқҳга оид асарлари ичидан энг машҳури ҳисобланади. Хатиб Бағдодий шофеий мазҳабини ҳимоя қилиш, ҳадис ва муҳаддисларга қилинган таъналарга раддия ўлароқ бу асарни ёзган. «Ал-Фақиҳ» асари Имом Шофеъийнинг «ар-Рисола» асари асосида ёзилган. (Vahdettin Aba, 2013:53). Ушбу асар Шофеъий мазҳабида далил ўлароқ олинган ҳадисларни ўзида акс эттирган. Асардан қўзланган мақсад, муҳолиф қарашларга эга бўлган фикр олимлари ва муҳаддислар ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш орқали бир-бирларининг усулларидан фойдаланиш мумкин эканини кўрсатиш бўлган. Усул ал-фиқҳ мавзулари муҳаддис методи билан муҳокама қилинган. Асарнинг энг муҳим хизматларидан яна бири усул масалаларини иснод тизими асосида очиб берилишидир.

Қисқа муқаддимага эга бўлган бу китоб рисолат тамойиллари, пайғамбарлар юборилишидан мақсад, Муҳаммад пайғамбарнинг (с.а.в) бошқа пайғамбарлардан устун экани, уламоларнинг хизматлари ҳақида оят ва ҳадисларни ўз ичига олади. Сўнгра Қуръони карим, суннат ва ундаги

ҳукмларни ўрганиш, далилларни тадқиқ қилиш ва тасдиқлаш, диний ҳукмларда ижтиҳод ва уларни ўрганишга ундайдиган ривоятлар муҳокама қилинади. Хатиб Бағдодий далил келтирар экан, асосан оятларни, сўнгра ҳадисларни, кейин саҳобаларнинг ривоятларини, сўнгра тобеин, таба тобеинлар ва кейинги уламоларнинг ижтиҳод ва фикрларини келтирган. Мавзуни шарҳлаш ва баҳолашда умумийликдан қочиб, муаллиф (قلت) ибораси билан ўз фикрини билдиради (Vahdettin Aba, 2013:54).

Мазкур асарни Ибн Муҳаммад Моликий ва Ибн Қози Шухба 12 бобдан иборат эканини қайд этишган. Асарнинг қўлёзма нусхалари Зоҳирия кутубхонаси ва Кўпрулу кутубхонасида борлиги маълум (Erol Kılıç, 1997:84-85). «Ал-Фақиҳ» асари замонавий нусхада биринчи марта 1969 йилда Ар-Риёдда икки жилда, 1975 йилда эса Қоҳирада нашр этилган. 1977 йилда «ал-Фақиҳ вал-мутафакқиҳ ва усул ал-фиқҳ» номи билан чоп этилган бўлиб, 1996 йилда Одил ибн Юсуф томонидан Ар-Риёдда қайта нашр этилган. Истанбул университети Адабиёт факультети араб ва форс тиллари йўналишида Юсуф Қилич тарафидан «Хатиб Бағдодий ва «ал-Фақиҳ ва ал-мутафакқиҳ» номли докторлик диссертацияси ҳимоя қилинган. Кейинчалик Юсуф Қилич худди шу докторлик диссертациясини «Хатиб Бағдодий ва унинг устозлари, шогирдлари ҳамда ҳадис ровийлари» номи билан монография кўринишида нашр эттирган. У мазкур асарида уч мингга яқин киши ҳақида алифбо тартибида маълумотлар берган.

Муҳаддиснинг «ал-Фасл лил васл ал-мудраж фин-нақл» асари мудраж ҳадислар бўйича ёзилган биринчи асар ҳисобланади. «Мудраж» – луғатда бир нарсани бошқа нарсанинг ичига қўшиб юбориш» маъносини англатади. Мусталаҳул ҳадис илми уламолари истилоҳида исноднинг сиёқи ўзгартирилган ёки матнига ўзидан бўлмаган нарса (ундан эмаслиги кўрсатилмасдан) киритилган ҳадисдир. (Саид Муҳаммад Содиқ, 2019:202) Хатиб Бағдодий ушбу асарида ҳадисларнинг иснодлари ёки матнларида учрайдиган идрож масалаларига тўхталиб, уларни атрофлича таҳлил қилган. Китобда санади ва матни идрожли бўлган 111 ривоят мавжуд (Vahdettin Aba, 2013:51). Бу асар ушбу соҳадаги биринчи асар бўлгани ва бугунги кунгача етиб келганидан Хатиб Бағдодийдан кейинги даврдаги муҳаддислар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилганини билиш мумкин. Асар муқаддима билан бошланади ва ушбу қисмда

асарнинг ёзилиш сабаби ва ўзи қўллаган усули ҳақида жуда қисқача маълумот берилган (Сафадий, 2000:131). Ибн Салоҳ ҳам Хатиб Бағдодийнинг ушбу асари ҳақида ёза туриб, унинг жуда кенг камровли эканини таъкидлайди (Салоҳ:98).

Ибн Ҳажар Асқалоний (ваф. 852/1449) «Тақриб ал-манҳаж би тартиб ал-мудраж» номи билан Хатиб Бағдодийнинг 9 жуздан иборат ушбу асарининг мухтасарини ёзган. Бироқ Ибн Ҳажарнинг бу асари ҳозирги кунгача етиб келмаган. Бундан ташқари, Жалолiddин Суютий (ваф. 911/1505) «ал-Мудраж ила ал-мудраж» номли асарида Ибн Ҳажарнинг «Тақриб ал-манҳаж» асарини жамлаган. Суютий ўзи келтирган ривоятларни қисқача шарҳлаб, жуда кам ҳолларда ривоят қилган ровийларнинг номини зикр қилган. Мудраж ҳадисларга оид Хатиб Бағдодийнинг мазкур асари қўлёзмаси Аҳмад III кутубхонасида 612 рақам остида сақланади. Муҳаммад Матар Заҳроний томонидан тадқиқ қилинган бу асар «ал-Фасл ли ал-васл ал-мудраж» номи билан 1997-йил ар-Риёзда икки жилдада нашр этилган (Бағдодий, 1997:1152).

МУҲОКАМА

Хатиб Бағдодийнинг ҳадис ровийларига оид бир қанча асарлари¹ мавжуд бўлиб, улардан ҳадис ровийлари илмининг бир бўлими ҳисобланган «Муттафиқ ва муфтариқ» мавзусида ёзилган «ал-Муттафиқ ва ал-муфтариқ» номли асарни келтириш мумкин. Ровийларнинг шахсиятлари ҳар хил бўлсада, исмлари, оталарининг исми, баъзан боболарининг исмлари, кунялари ҳам бир хил ёзилиб ҳатто талаффузи ҳам бир хил бўлиши ҳолатлари кузатилган. Бу ровийлар бир замонда ва

¹ «ал-Асмо ал-мубҳам фи анбо ал-муҳкама», «ал-Асмо ал-мутаботи ва ал-ансоби ал-мутакофия», «Баён аҳли ад-даражат ал-ула», «Тали ат-талхис», «ат-Табйин ли-асмои ал-мудаллисин», «Талхис ал-муташибеҳ фи ар-расм ва ҳимоя ма ашкала минҳу ан баводиру ат-тасҳиф ва ал-вахм», «Тамйиз ал-мазид фи муттасил ал асонид», «Рофе ал-иртиёб фи ал-мақлуб мин ал-асмо вал-ансоби», «ар-Рувот ан Шўъба», «ар-Рувот ан Молик ибн Анас», «Ривоят ас-ситта мин ат-тобеин баъзиҳим ан баъзин», «Ривоят ас-саҳоба ан тобеин», «Ривоят ал-або ан ал-абна», «ас-Собиқ вал-лоҳик», «Ғуна ал-мултамис фи изоҳ ал-мултабис», ал-Муттафиқ вал-муфтариқ», «Ман ҳаддаса ва насия», «Ман вафақот кунятуху исму абиҳи мин ма ла юъману мин вуку ал-хатои фиҳ», «ал-Мутанаф фи такмили ас-муъталиф ва ал-мухталиф», «ал-Муваззиҳ ли авҳом ал-жам ва ат-тафриқ».

бир шаҳарда яшаб, бир устоздан ривоят қилсалар, ёки улардан ривоят қилган одамлар бир хил бўлсалар бир-бири билан чалкашиши мумкин. Қолаверса, бу икки ровийдан бири ишончли, иккинчиси заиф бўлса, жиддий муаммолар юзага келган. Хатиб Бағдодийнинг бу асари ҳадис ровийлари соҳасида ёзилган илк асар ҳисобланиб, унда юқорида келтирилган муаммоларнинг ечими ёритилган. Бу асар Ибн Муҳаммад Моликий феҳристида ўн олти жуздан иборат экани зикр қилинган. Маҳмуд Таҳҳон асарнинг баъзи жузлари йўқолганини, бу йўқолган жузлар баъзиларининг қаерда мавжуд эканини кидирганини, аммо топа олмагани ҳақида ўз асарида сўз юритган. Бундан ташқари, Маҳмуд Таҳҳон бу асарнинг муқаддима қисми йўқлигини ҳам таъкидлаган (Таҳҳон, 1981:334-335).

Хатиб Бағдодийнинг бу асарини тадқиқ қилган тадқиқотчилардан бири Муҳаммад Содик Айдин эса бу китобнинг муқаддима қисми мавжуд экани ҳақида маълумот берган (Бағдодий, 1997:9). Муҳаддиснинг бу асарида ровийлар араб алифбоси тартибида келтирилган бўлиб, алиф (ا) ҳарфи билан бошланиб, «й» (ي) ҳарфи билан ниҳояланади.

Хатибнинг ҳадис ва ҳадис усулига оид баъзи бошқа асарларига «Иқтизо ал-илм ал-амал», «Тақйид ал-илм», «ар-Риҳла фи талаб ал-ҳадис», «Шараф асҳоб ал-ҳадис», «ан-Насиха ли-аҳли ал-ҳадис» китобларини киритиш мумкин.

Муҳаддиснинг асарларидан ҳадисларни ёзиб олиш зарур экани ҳақида ёзилган асари «Тақйид ал-илм» ҳисобланади. Китоб номидан кўриниб турибдики, ўша даврда ҳадисларни ёзиб олиш мустақил фан сифатида шаклланиб улгурган. Асар қисқа муқаддима ва ўн бобдан ташкил топган. Ушбу асар Ибн Муҳаммад Моликий томонидан икки жуз, Ибн Қози Шўҳба томонидан эса уч жуздан иборат экани айtilган. Германиялик олим Броккельман турли кутубхоналардаги мавжуд нусхалари ҳақида маълумот киритган. Шунингдек, Зоҳирия кутубхонасида ҳам бу асарнинг турли қўлёзма нусхалари мавжуд.

Мазкур кутубхонада мавжуд нусхаларни бирма-бир санаб, уларни тавсифлаб берган Юсуф Уш Хатиб Бағдодийнинг шогирдларидан бири Қайс ибн Али ибн Абдусалом Арманазий (ваф. 500/1106) 461/1069 йилда ўз устозидан ривоят қилган нусхасини топиб, нашр эттирди. Бу асарида Хатиб Бағдодий аввал ҳадис ёзиб олиш тақиқлангани келтирилган ҳадисларни, кейин эса ҳадисларни ёзиб олиш мумкин экани ёритилган ҳадисларни

келтиради. Бу ҳадисларни барчасини шарҳлаб, ҳадисларни ёзиш зарур экани тўғрисида хулосага келади. У ҳадисни ёзиб олмасликка оид Абу Саид Худрийдан ривоят қилинган турли санад ва матнлардан иборат ривоятларни келтиради. Ушбу ривоятлар орқали Муовия, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Абу Мусо Ашарий, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар каби саҳобалар турли сабабларга кўра ҳадисларни ёзмаганлари, ёзиб олган ҳадисларини йиртиб ташлаганликлари ҳамда тобеинларнинг кўпчилиги ҳам худди шундай амалларни бажарганликлари ҳақида билиш мумкин.

Дастлабки даврларда ҳадисларни ёзиб олишнинг ман этилгани сабабини тадқиқ қилган Хатиб Бағдодий шундай хулосага келади: ҳадисларни ёзиб олишнинг тақиқланишига Қуръон оятлари билан аралашиб кетиш хавфи сабаб бўлган. Чунки, бу даврда Қуръон ҳали нозил қилинаётган эди. Кейинчалик Қуръон тўлиқ ҳолда нозил бўлгани, сохта ҳадисларнинг пайдо бўлиш хавфи ҳадисларни ёзиб олишга сабаб бўлди.

Хатиб Бағдодий асарнинг кейинги қисмида ҳадисларнинг ёзилишига оид саҳобаларнинг ривоятларини жумладан Абу Хурайра (р.а) ривоят қилган ҳадисни келтиради. Ундан сўнг, ушбу фикрни қўллаб-қувватловчи тобеинларнинг фикрларини ҳам муҳокама қилади. Хатиб Бағдодий китобнинг энг сўнгги бобида ушбу китобнинг фойдалари ҳақида сўз юритади (Vahdettin Aba, 2013:71)

Муқаддимасиз бошланадиган «ар-Риҳла фи талаб ал-ҳадис» китоби беш бобдан иборат. Ҳадисларни тўплаш ва уларни тўплашга тарғиб учун қилинган саёҳатлар, саҳобалар ва баъзи улуғ уламоларнинг ҳадис ўрганиш учун қилган саёҳатлари, уларнинг олий иснодга эришиш йўлида дуч келган қийинчиликлари каби масалалар асарнинг асосий мавзулари ҳисобланади.

Китобнинг иккита қўлёзма нусхаси Зоҳирия кутубхонасида мавжуд (Таҳҳон, 1981:217). Бу асар илк бор 1969 йилда Мадина шаҳрида Субҳи Самаройи (ваф. 1446/2024) томонидан «Мажмуа ар-росаил фи улум ал-ҳадис» номли китобда нашр этилган. Бироқ, ушбу нашрда баъзи хатолар аниқлангандан сўнг, 1975 йил Байрут шаҳрида Нуриддин Итр (ваф. 1442/2020) томонидан баъзи ривоятлар қўшиб нашр этилган.

«Ан-Насиха ли-аҳл ал-ҳадис» номли асарини муҳаддислар учун махсус ёзганини муаллиф китобининг биринчи жумлаларида қайд этган.

Хатиб Бағдодий, айниқса ҳадис илми талабаларини ҳадисларни фақат ёзиш билан кифояланмай, уларнинг санадлари билан танишишга, ҳадис маънолари борасида фикр юритиб, уларни тўғри тушунишга ҳаракат қилишга ундайди. Бунга қўшимча тарзда, илмни бевосита устоздан олиш устозсиз ёзма манбалар, китоблар орқали ўрганишдан афзал деб ҳисоблайди. Олимнинг муҳаддислар тайёрлаш борасидаги асосий қарашлари ва тавсияларини энг ихчам тарзда мазкур асарининг «Мухтасару насихати аҳл ал-ҳадис» номли мухтасар рисоласида келтирган.

Юсуф Уш бу асарни Хатибнинг «Иқтизоу ал-илм ал-амал» асари билан бир хил деб тавсифлаган. Аммо, Юсуф Ушнинг бу борадаги фикри турк олими Исмоил Лутфий Чакан каби бошқа тадқиқотчилар томонидан хато дея хулосага келинган (Çakan, 2019). Ушбу асар Зоҳирия кутубхонасида 4 саҳифадан иборат экани таъкидланган. Мазкур асарни Исмоил Лутфий Чакан турк тилига таржима қилган.

Хатиб Бағдодийнинг тарих соҳасига оид асарларига «Тариху Бағдод», «Манокӣбу Аҳмад ибн Ҳанбал», «Манокӣб Шофейй», «Китоб ал-вафаёт» асарларини келтириш мумкин.

«Тариху Бағдод» – Хатиб Бағдодийнинг энг машҳур асарларидан бўлиб, 106 жуздан иборат. Дор ал-кутуб ал-мисрия кутубхонасида 2 та қўлёзма нусхаси бор экани ҳақида маълумотлар мавжуд. Хатиб Бағдодийнинг бу асарини ўттиз йил мобайнида ёзган. «Тариху Бағдод» асари «Мадина ас-салом» деб ҳам номланади. Муаллиф бу асарида 460/1068 йилгача уч аср давомида Бағдодда яшаган муҳаддис, фақиҳ, муфассир, қорилар, зоҳид, халифа, вазир, шоир, математик, тилшунос каби таниқли кишиларнинг таржимаи ҳолларини келтирган. Ушбу китобнинг босма нусхасидан 7831 шахснинг, ундан 4000га яқини муҳаддисдан ташкил топганини билиш мумкин (Таҳҳон, 1981:278). Бу эса ҳадис ровийларини ўрганиш қанчалик муҳим эканини билдиради. Хатиб Бағдодий китобнинг муқаддима қисмида асарининг мазмуни борасида сўз юритади. У биографик маълумотлар беришдан аввал Бағдод тарихи ҳақида кенг қамровли маълумотлар бериб ўтади. Бу асарда Бағдоднинг масжидларидан тортиб, ҳаммомларигача қўллаб маълумотларни учратиш мумкин.

Бундан ташқари, Бағдод шаҳрини мақтаган ва танқид қилганларнинг ривоятларини ёзиб олган Хатиб Бағдодий, Бағдодни танқид қилган

ривоятлар учун алоҳида боб очиб, уларнинг санад ва матнини ҳам келтирган. Муаллиф Бағдодга яқин бўлган Мадоин, Нахравон, Укбара, Анбор, Самарра каби шаҳарларнинг номларини ҳам киритган. У ўз китобида Мадоин шаҳрига келган кўплаб саҳобаларнинг исмларини зикр қилиб, тобеинлар ҳамда улардан кейинги уламоларни алифбо тартибига кўра таништириб чиққан (Vahdettin Aba, 2013:75).

Хатиб Бағдодий мазкур асарида Яхё ибн Маъиндан 1100 та, Доруқутнийдан 1092 та иқтибос келтиради (Vahdettin Aba, 2013:77).

Муҳаддиснинг ахлоқ ва одобга оид асарларига қуйидагиларни келтириш мумкин: «Китоб фиҳи хутба Оиша фи ас-сана ала абиҳа», «ал-Мунтахаб мин аз-зуҳд ва ар-рақоик», «ал-Бухало», «ат-Татфил ва ҳикоят ат-туфайлин ва ахбораҳум», «ат-Танбеҳ ва ат-тавқиф ала фазои ал-хориф».

Хатиб Бағдодий бахиллик ҳақидаги ривоятларни санадлари билан бирга келтирган асари «ал-Бухало» деб номланади. Унинг бу асарида муқаддима қисми мавжуд эмас. Ушбу асар олти бўлимдан иборат бўлиб, асарнинг биринчи бўлимида бахиллик ҳақида ривоят қилинган ҳадисларни ёзади, сўнгра машҳур бахиллар ва бахиллик ҳақидаги кўплаб воқеа ва шеърларни ҳам келтирган. Хатиб Бағдодий ривоятларни қандай бўлса шундайлигича келтириб, уларга ҳеч қандай изоҳ бермаган. Ҳадислардан ташқари, мутааххир олимлар келтирган ривоятларни ҳам санадлари билан ёзган. Маъно ортишига сабаб бўладиган сўз ёки жумла бўлса, муаллиф ҳадис ривоятларида бўлгани каби ўша матнга оид бошқа мавжуд иснодларни ҳам киритади.

Ибн Муҳаммад Моликий уч жуздан, Ибн Қози Шухба эса тўрт жуздан иборат эканини таъкидлаган бу асарнинг кўлёзма нусхаси 1 жилд ҳолида Лондонда сақланиши ҳақида маълумотлар мавжуд. Муҳаддиснинг мазкур асари Аҳмед Матлуб (ваф. 1439/2018), Ҳадича Ҳадисий ва Аҳмед Ножи Қайсий томонидан 1964 йилда Бағдодда, Муҳаммад Иброҳим Салим таҳрири остида 1990 йил Қоҳирада, 1981 йил Кувайтда эса Рафед Саид, 2000 йил Бассом Абдуваҳҳоб тарафидан замонавий нусхалари нашр қилинган (Vahdettin Aba, 2013:81)

Муҳаддиснинг фикҳга оид 15 тага яқин асарлари² мавжуд. Муҳаддис ўзининг «ал-Жаҳр

² «Наҳж ас-савоб фи анна тасмията оятун мин Фотиҳа ал-китоб», «Ибтол ан-никоҳ би-ғайри валий», «Иза уқимат ас-салот фало салота илла ал-мактуба», «ал-

би-бисмиллаҳир роҳманир роҳим фи ас-салот» номли асарида намозда «бисмиллаҳ»ни ошкора ёки яширин айтиш кераклиги ҳақидаги ривоятларни жамлаган. Бу ривоятлар, айниқса, Пайғамбарга (с.а.в) нисбат берилган ҳадислар ва саҳобаларнинг сўзлари ва амалларидан иборат. Рисолада Хатиб Бағдодий бу мавзуга оид турли ривоятлар келтириб, баъзан сўнггида шарҳлар берган. Ибн Муҳаммад Моликий ва Ибн Қози Шухба икки жуздан иборат экани ва Зоҳирия кутубхонасида мавжуд эканини таъкидлашган. Шунингдек, Шамсуддин Заҳабий (Заҳабий, 1958:223), Ёқут Ҳамавий (Ҳамавий, 1993:387), Ибн Жавзий (Жавзий, 1992:130) каби бошқа олимлар аслида бу асар уч жуздан иборат эканини ўз асарларида келтиришган. Заҳабий «Мухтасар ал-жаҳр би-л-басмала» номи билан мазкур асарнинг мухтасарини ёзган. Унда мавзуга оид 44 та ривоят келтирилган. Заҳабий ушбу асарида, Хатиб Бағдодийнинг китобида келтирилган ривоятларнинг санади ва матнига баҳо беради. Али ибн Аҳмад Киндий Заҳабийнинг «Мухтасар»и бўйича 84 саҳифадан иборат тадқиқот иши мавжуд.

Олимнинг «ал-Ҳиял» асари мазмуни борасида деярли маълумот мавжуд эмас. Ибн Муҳаммад Моликий ва Ибн Қози бу асарни тўрт жуздан иборат деб таъкидлашган бўлса, Шамсуддин Заҳабий уч жуз эканини қайд этган (Заҳабий, 1958:223). Ёқут Ҳамавий ўзининг «Муъжам ал-удабо» китобида ушбу асар «ал-Ҳиял» (الحيل) эмас, балки «ал-Хиял» (الخيل) деб номланиши тўғри экани борасида сўз юритган (Ҳамавий, 1993:387).

НАТИЖА

Муаллифи Хатиб Бағдодий экани борасида баҳсли асарлар ҳам мавжуд бўлиб, уларга «Кашф ал-асрор», «Риёз ал-унс ила ҳазойир ал-қудс», «Масъалату ал-калом фи ас-сифат», «Китобу фавоид ан-насаб», «Туруку ҳадис Абдуллоҳ Ибн Умар ан набий фи тарои ал-хилол» асарларини келтириш мумкин.

Жаҳр би-бисмиллаҳир роҳманир роҳим фи ас-салот», «ал-Ҳиял», ад-Далоил ва аш-шавоҳид ала сикҳати ал-амал би-хабар ал-воҳид», «Салот ат-тасбеҳ ва ал-ихтилоф фиҳо», «ал-Ғусл ли-л-жумъа», «ал-Қазо би ал-ямин маа аш-шоҳид», «ал-Қунут ва ал-осор ал-марвия фиҳи ала ихтилофиҳо ва тартибиҳо ала мазҳаб аш-Шофеий», «Масъала ал-ихтижож ли-ш-Шофеий фима уснида илайҳи ва ар-радду ала тоинин би азми жаҳлҳим алайҳ», «ан-Наҳий ан савми явм аш-шак».

«Кашф ал-асрор» номли Хатиб Бағдодийга нисбат берилган асарнинг мазмуни ҳақида манбаларда ҳеч қандай маълумот учрамайди. Котиб Чалабий (ваф. 1067/1657) «Кашф аз-зунун» номли асарида Хатиб Бағдодийга тегишли эканини зикр қилади. Хатиб Бағдодий асарлари бўйича тадқиқотчи ҳисобланган Юсуф Уш ҳам ўз китобида «Кашф аз-зунун» асарида иктибос олган ҳолда юқоридаги маълумотларни келтиради. Аммо «Кашф аз-зунун»дан бошқа ҳадис китоблари ва бошқа манбаларда Хатиб Бағдодий бу асарнинг муаллифи экани ҳақида тафсилотлар мавжуд эмас.

«Риёз ал-унс ила ҳазойир ал-қудс» – асари диний насиҳатлар келтирилган асар ҳисобланади. Китобнинг Зоҳирия кутубхонасида қайд этилганини билдирган Юсуф Уш, бу асарни Хатиб Бағдодийга тегишли бўлиши эҳтимолдан холи эмас эканини таъкидлаган (Юсуф Уш, 1945:134).

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Хатиб Бағдодий 100 га яқин китобнинг муаллифи саналиб, асарларининг аксарияти ҳадис илмига оид ҳисобланади. Бундан ташқари фикҳ, тарих, ақида, одоб-ахлоқ каби соҳаларда ҳам бир қанча асарлар ёзган. Аммо олим ва унинг асарларини ўрганиш мобайнида тафсир соҳасида асар таълиф қилгани борасида ҳеч қандай маълумот учрамади.

Муҳаддиснинг асарларидан кўплаб мумтоз олимлар, замонавий тадқиқотчилар иктибослар келтиргани унинг асарларининг нуфузи юқори эканига далолат қилади. Муҳаддис китобларининг аксар қисми бугунги кунгача етиб келган ва дунёнинг турли кутубхоналарида айниқса уларнинг катта қисми Дамашқдаги Зоҳирия кутубхонасида сақланиб келинмоқда.

Юсуф Уш, Маҳмуд Таҳҳон каби араб, Ҳусейн Каҳраман, Вели Аба, Юсуф Қилич каби турк, Бросклман сингари кўплаб ғарб олимларини томонидан Хатиб Бағдодийнинг ҳаёти, унинг асарлари бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилгани, унинг нақадар буюк олим эканининг ёрқин далили ҳисобланади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Бакр Аҳмад ибн Али ибн Собит Бағдодий. (1997). Ал-Фасл ли ал-васл ал-мудраж. (Мухаррир: Муҳаммад Маҳмуд Заҳроний).

2. Абу Бакр Аҳмад ибн Али ибн Собит Бағдодий. (1997). Ал-Муттафик ва ал-муфтарик. (Мухаррир: М.С. Ойдин).
3. Абу Бакр Аҳмад ибн Али ибн Собит Бағдодий. (1999). Ал-Қавл фи илм ан-нужум. Ар-Риёд: Дор ал-Атлас.
4. Алий ибн ал-Ҳасан Ибн Асокир. (1996). Тариху Дамашқ (41-жилд). Дамашқ: Дор ал-Фикр.
5. Brockelmann, C. (1992). *Tārīkh al-adab al-‘Arabī* (Vol. 6, A. al-Tannūkhī, Trans.). Dār al-Ma‘rifa.
6. Vahdettin Aba. (2013). *Ḥatīb el-Bağdādī'nin hadis usulü anlayışı*. Konya: Necmettin Erbakan Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü.
7. Vahdettin Aba. (2015). *Hadis usûlünde öncü bir isim: Ḥatīb el-Bağdādī*. Balıkesir Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Dergisi.
8. Абдуррахмон ибн Алий Ибн ал-Жавзий. (1992). Ал-Мунтазам (16-жилд). Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
9. İsmail Lütfi Çakan. (2019). *el-Câmi' li-aḥlāk er-râvî*. In: TDV İslâm Ansiklopedisi, Vol. 7. İstanbul: Türkiye Diyanet Vakfı Yayınları.
10. Якут ибн Абдуллоҳ Румий. (1993). Мўъжам ал-удабо, жилд 1. Байрут: Дор ал-Ғарб ал-исломий.
11. Абул-Фараж Абдуррахмон ибн Али ибн Муҳаммад Жавзий. (1992). Ал-Мунтазам, жилд 16. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя.
12. Mehmet Said Kandemir. (2019). *Ḥatīb el-Bağdādī*. In: TDV İslâm Ansiklopedisi, Vol. 16, p. 458. İstanbul: Türkiye Diyanet Vakfı Yayınları.
13. Mahmud Erol Kılıç. (1997). *el-Ḥatībū'l-Bağdādī ve Yaralandığı İlim Otoriteleri ve Hadis Râvîleri*. İstanbul: Marmara Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Yayınları.
14. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. (2019). Мустаҳалҳ ал-ҳадис. Тошкент: Ҳилол-нашр.
15. Салоҳуддин Халил ибн Айбак Сафадий. (2000). Ал-Вофий бил-вафоят, жилд 7. Байрут: Дор ихё ат-турос ал-арабий.
16. Усмон ибн Абдуррахмон аш-Шаҳразурий Ибн Салоҳ. (н.д.). Улум ал-ҳадис.
17. Абдулкарим ибн Муҳаммад ибн Мансур Самъоний. (1966). Ал-Ансоб, жилд 5. Ҳайдаробод: Дорира ал-маориф ал-Усмония.
18. Такиуддин Абу Тоҳо Али ибн Абдулкофий Субкий. (1918). Табақот аш-шофеия ал-кубро, жилд 4. Қоҳира: Дор ихё ал-кутуб ал-арабия.
19. Муҳаммад Ажаж Таҳҳон. (1981). Ҳофиз ал-Хотиб ал-Бағдодий ва унинг ҳадис илмидаги ўрни. Байрут: Дор ал-Қуръон ал-карим.
20. Акрам Зиё Умари. (1985). ал-Хатиб ал-Бағдодий. Ар-Риёд: Дор ат-таййиба.
21. Юсуф Уш. (1945). Хатиб ал-Бағдодий: Бағдод тарихчиси ва муҳаддиси. Дамашқ: ат-Тараққий.

22. Шамсуддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Заҳабий. (1958). Тазкират ал-хуффо, жилд 3. Ҳайдаробод: Дорира ал-маориф ал-Усмания.

REFERENCES

1. Abu Bakr Ahmad ibn Ali ibn Sabit al-Baghdadi. (1997). Al-Faṣl li al-Waṣl al-Mudraj. (Ed. Muhammad Mahmud Zahroni).
2. Abu Bakr Ahmad ibn Ali ibn Sabit al-Baghdadi. (1997). Al-Muttafiq wa al-Muftariq. (Ed. M.S. Aydin).
3. Abu Bakr Ahmad ibn Ali ibn Sabit al-Baghdadi. (1999). Al-Qawl fi 'Ilm al-Nujūm. Riyadh: Dar al-Atlas.
4. 'Ali ibn al-Hasan Ibn 'Asakir. (1996). Tarikh Dimashq (Vol. 41). Damascus: Dar al-Fikr.
5. Brockelmann, C. (n.d.). Geschichte der arabischen Litteratur (Vol. 6).
6. Aba, Vahdettin. (2013). Hatib al-Baghdadi'nin hadis usulü anlayışı. Konya: Necmettin Erbakan University, Institute of Social Sciences.
7. Aba, Vahdettin. (2015). «Hadis usulünde öncü bir isim: Hatib al-Baghdadi». Balıkesir Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü Dergisi.
8. Abdurrahman ibn 'Ali Ibn al-Jawzi. (1992). Al-Muntaẓam (Vol. 16). Beirut: Dar al-Kutub al-Ilmiyah.
9. Çakan, İsmail Lütfi. (2019). «El-Câmi' li-Akhlâq al-Râwî», in: TDV İslam Ansiklopedisi, Vol. 7. Istanbul: Türkiye Diyanet Vakfı.
10. Yāqūt ibn 'Abd Allāh al-Rūmī. (1993). Mu'jam al-Udabā' (Vol. 1). Beirut: Dar al-Gharb al-Islami.
11. Ibn al-Jawzi, Abul-Faraj 'Abdurrahman ibn 'Ali ibn Muhammad. (1992). Al-Muntaẓam (Vol. 16). Beirut: Dar al-Kutub al-Ilmiyah.
12. Kandemir, Mehmet Said. (2019). «Hatib al-Baghdadi», in: TDV İslam Ansiklopedisi, Vol. 16, p. 458. Istanbul: Türkiye Diyanet Vakfı.
13. Kılıç, Mahmud Erol. (1997). el-Ḥaṭībū'l-Bağdādī ve Yaralandığı İlim Otoriteleri ve Hadis Râvîleri. İstanbul: Marmara Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Yayınları.
14. Shaykh Muhammad Sadiq Muhammad Yusuf. (2019). Mustalah al-Hadis. Tashkent: Hilol-Nashr.
15. Ṣalāḥ al-Dīn Khalīl ibn Aybak al-Ṣafadī. (2000). Al-Wāfi bil-Wafayāt (Vol. 7). Beirut: Dar Iḥyā' al-Turāth al-'Arabī.
16. Ibn Ṣalāḥ al-Shahrazūrī. (n.d.). 'Ulūm al-Ḥadīth.
17. al-Sam'ānī, 'Abd al-Karīm ibn Muhammad ibn Maṣṣūr. (1966). Al-Ansāb (Vol. 5). Hyderabad: Dār al-Ma'ārif al-'Uthmāniyya.
18. al-Subkī, Taqī al-Dīn Abū Ṭāhir 'Alī ibn 'Abd al-Kāfi. (1918). Ṭabaqāt al-Shāfi'iyyat al-Kubrā (Vol. 4). Cairo: Dār Iḥyā' al-Kutub al-'Arabiyyah.
19. Ṭahān, Muhammad 'Ajāj. (1981). Ḥāfiẓ al-Khaṭīb al-Baghdādī and His Role in Ḥadīth Science. Beirut: Dār al-Qur'ān al-Karīm.
20. 'Umar, Akram Ziyā'. (1985). Manba' al-Khaṭīb al-Baghdādī. Riyadh: Dār al-Ṭayyibah.
21. Ush, Yusuf. (1945). Khaṭīb al-Baghdādī: Historian and Ḥadīth Scholar og Baghdad. Damascus: Al-Taraqqī Publications.
22. al-Dhahabī, Shams al-Dīn Muḥammad ibn Aḥmad ibn 'Uthmān. (1958). Tadhkirat al-Ḥuffāz, Vol. 3. Hyderabad: Dar al-Ma'arif al-Uthmaniyyah

